

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОШИЙ ВА ЎРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОШИЙ ВА ЎРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ОшИЙ ва ўРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

2020 йил 14.08

Рўйхатга олинди. №БД-5230100-2.01

2020 йил 14.08

ИҚТИСОДИЁТ
ФАН ДАСТУРИ

- Билим соҳаси:** 200000 – Иқтисодий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод
Таълим йўналиши: 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5230200- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5230600- Молия ва молиявий технологиялар
5231300- Бюджет назорат ва назоратчилик
5230900- Бухгалтерия хисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
5230800- Солиқлар ва солиқсизлортиш
5231400- Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5231200- Сўғурта иши
5231600- Ишон ресурсларини бошқариш
5232300- Минтақавий иқтисодиёт
5232200- Эконометрика
5232400- Иқтисодий ҳаёфсизлик
5234100- Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5230400- Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5230400- Маркетинг (реклама иши)
5230202- Менежмент: туризм бизнесини бошқариш
5233600- Савдо иши (турлари бўйича)
5232500- Логистика (йўналишлар бўйича)
5230700- Банк иши ва аудити
5231100- Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (минтақалар ва фазолиёт турлари бўйича)
5231900- Корпоратив бошқарув
Билим соҳаси: 300000 - Ишлаб чиқариш-техника соҳа
Таълим соҳаси: 330000 - Компьютер технологиялари ва информатика
Таълим йўналиши: 5230200- Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
600000 – Хизматлар соҳаси
Билим соҳаси: 610000 – Хизмат кўрсатиш соҳаси
Таълим соҳаси: 5610200- Мехмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш
Таълим йўналиши: 5610300- Туризм (фоалият йўналишлари бўйича)

Фан/модуль коди ECOM116	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 2	ECTS - Кредитлар 6
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус		
Фаннинг номи	Аудитория машғулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
1.	72	108	180
ИҚТИСОДИЁТ			
2. I. Фаннинг мазмуни			
<p>Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга иқтисодий билимларнинг назарий асосларини, иқтисодиётдаги асосий тушунча ва категорияларни, иқтисодий қонулар ва принципларни ўргатиш ҳамда амалиётда уларни қўллай олиш хусусиятини шакллантиришдан иборат.</p> <p>Фаннинг вазифаси - назарий билимлар, амалий кўникмалар, қонулар ва категориялар мазмун-моҳиятини ўргатиш, уларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш орқали иқтисодий муаммоларни ечиш йўлларини топа олиш қобилиятини шакллантириш.</p> <p>Фаннинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - иқтисодий атамалар, концепция ва назарияларни билиш ва тушунишни ўргатиш; - иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш жараёнида асосий иқтисодий кўрсаткичлардан фойдалана олишни ўргатиш; - иқтисодий таҳлил қила олишни ўргатиш; - иқтисодий ҳолатларни ёзма равишда мантикий ва аниқ тасвирлашни ўргатиш; - иқтисодий тадқиқот олиб боришда иқтисодий концепцияларни қўллай олишни ўргатиш. 			
II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)			
III. Фан таркибига қўйилади мавзулар қиради:			
1-мавзу. Иқтисодиётга кириш.			
<p>Иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва мисоллар келтириш: истеъмолчи, ишчи кучи, бизнес-сектор ва давлат. Нагурал маҳсулотлари ва реал маҳсулотлар ўртасидаги фарқ. Ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёнлари. Эҳтиёжларнинг мазмуни ва уларнинг туркумланиши. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни. Иқтисодий ресурсларнинг мазмуни ва туркумланиши. Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг қондрилиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик. Иқтисодий қонулар ва категорияларнинг туркумланиши.</p>			
2-мавзу. Иқтисодий тизим турлари.			
<p>Бозор тизими. Иқтисодий тизим тушунчаси. Иқтисодий тизим моделлари: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти,</p>			

<p>Ахборот манбаалари 11. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали. 12. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 13. www.tradingeconomics.com – экономические показатели</p>	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2020 йил "14.08" даги "14.08" -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил "14.08" даги "14.08" -сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>	<p>Фан/модуль учун масъулар: Б.Д.Хажиев – ТДИУ, “Фундаментал иқтисодиёти” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Б.Э.Мамарахимов – ТДИУ, “Фундаментал иқтисодиёти” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент Тақризчилар: Т.Т. Жўраев - ТМИ, “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори (турдош ОТМ) Н.А. Хошимова - И.Каримов номидаги ТДТУ, “Санъат иқтисодиёти” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор (турдош ОТМ).</p>

<p>бозор иқтисодиёти. Асосий ресурсларни тақсимланиши. Нархлар механизмига кириш. Бозор иқтисодиёти тизимининг мазмуни. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликлари.</p>	<p>3-мавзу. Талаб, таклиф, бозор мувозанати. Талаб тушунчаси. Яқса талаб ва бозор талаби. Талаб қонуни. Эгри талаб ва терминалогия, эгри талабнинг ҳаракати. Яқса ва бозор талаби ўртасидаги алоқа, эгри талабни ўлчада талабнинг ўсиши ва камайиши каби омиллар таъсири. Гиффен самараси. Талаб микдорига таъсир килувчи омиллар. Энгель қонуни.</p>
<p>Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Эгри таклиф ва терминалогия, эгри таклиф ҳаракати тушунчаси. Таклифнинг кенгайиши ва қисқариши. Яқса ва бозор таклифи ўртасидаги алоқа, эгри таклифни ўлчада таклифнинг ўсиши ва камайиши каби омиллар таъсири. Таклиф микдорига таъсир кўрсатувчи омиллар. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.</p>	<p>4-мавзу. Эластиклик. Талаб эластиклиги ҳисоби ва нарх таклифи, натижа моҳиятини формула билан тушунтириш. Эгри талаб, талаб ва таклифнинг максдалли нарх эластиклигини намоён қилиш ва интерпретациялаш. Талаб ва таклиф эластиклигини нархга боғлиқлиги, уни расмда, жадвалда, жами маҳсулотлар ҳисобида акс эттириш. Мукамал рақобат шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. Сотувчи ва харидор нархлари. Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Таклиф бўйича нарх ўзгариши. Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Талаб бўйича нархнинг ўзгариши. Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши. Нарх бўйича етакчилик.</p>
<p>5-мавзу. Истеъмолчилар таълюви назарияси. Фойда ва чеklangан фойда. Бюджет чизиги. Бефарқлик эгри чизиги ва макбул танлов. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси. Истеъмолчининг афзал кўриши. Нафлилик функцияси. Нафлиликни максималлаштириш қондаси. Бефарқлик эгри чизиги. Истеъмолчи бюджетининг чеklangанлиги. Нарх ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи танловига таъсири.</p>	<p>6-мавзу. Ишлаб чиқариш ва харажатлар. Ишлаб чиқариш омиллари таъсири. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги. Ер, ишчи кучи, капитал ва тадбиркорлик қобилияти тушунчалари. Омилларнинг мобилиқка таъсири. Турли омилларнинг сон ва сифат ўзгаришига таъсири сабаблари. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ишчи кучи, ишлаб чиқарувчилар ва давлатларнинг ресурслар тақсимида қарор қабул қилиниши.</p>
<p>7-мавзу. Мукамал бозор ва монополия. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий сектор (тадбиркорлар ва истеъмолчилар) ва давлатнинг роли. Бозор муозанати бузилишида асосий атамалар: аҳоли фаровонлиги, фойда келтирувчи маҳсулотлар, ижтимоий фойда, умумий харажатлар таркибида шахсий имтиёзлар, ташқи</p>	

харажатлар, хусусий харажатлар. Иқтимоий маҳсулотлар, истиқболли маҳсулотлар, ташқи харажатлар ва ташқи даромад, монополияни суистемол қилиш ва омиллarning бекорорлиги.

8-мавзу. Монополистик рақобат ва олигополия.

Монополистик рақобат. Монополистик бозор. Монополия турлари. Монополистик афзалликлари ва камчиликлари. Монополистик бирлашмалар шакллари. Давлатнинг монополияга қарши тадбирлари. Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши сиёсат борасидаги тажрибалар.

9-мавзу. Бозордаги муваффақиятсизликлар ва самарадорлик.

Бозор муваффақиятсизлигининг мазмуни. Бозор муваффақиятсизлигининг сабаблари. Бозорнинг муваффақиятсизлиги оқибатлари. Ишчи кучи талаб қиладиган ва капитал сарф қиладиган ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлик.

10-мавзу. Давлатнинг иқтисодий роли.

Давлатнинг микроиқтисодий сиёсати. Солиқнинг ўзгариши. Ташқи жиҳатлар. Ички, миллий ва халқаро иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандлик, паст даражадаги ишсизлик, муқобил нархлар, паст даражадаги инфляция, тўлов қобилиятининг муқобиллиги, даромадларни қайта тақсимлаш. Кўрсаткичларни белгилаш ва давлат характеристикаси кўрсаткичларини аниқлаш. Кўрсаткичлар орасидаги эҳтимолий номутаносибликлар: муқобил нархлар ва тўлиқ бандлик. Тўлов балансининг муқобиллиги ва иқтисодий ўсиш. Тўлов қобилиятининг муқобиллиги ва тўлиқ бандлик.

11-мавзу. Иш ҳақини аниқлаш.

Иш ҳақи ва унга таъсир этувчи омиллар. Давлат сиёсати, талаб ва тақлиф таъсири, савдо муносабатлари. Талаб ва тақлифдаги ўзгаришлар, давлат сиёсатида иш ҳақининг табақаланиши: малакали, малакасиз; бирламчи, иккиламчи, эркак, аёл; хусусий сектор, давлат сектори. Ишчи кучи бозорида талаб ва тақлиф ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Ишчиларнинг устунлиги ва камчиликлари. Иш ҳақи, иш вақти, меҳнат шароити тўғрисида жамоавий шартномалар тузиш. Бандликни химоялаш. Давлат сиёсатида таъсир қилиш. Касаба уюшмаси фаолияти ва унга таъсир этувчи омиллар.

12-мавзу. Даромадларнинг тақсимланиши, тенгсизлик ва қашоқлик.

Турмуш даражаси кўрсаткичлари. Турмуш даражасини ва даромад тақсимланишини таққослаш. Мутлақ ва nisбий қашоқлик таърифи. Қашоқликнинг сабаблари. Қашоқликни қамайтириш ва даромадларни қайта тақсимлаш сиёсати. Реал япни ички маҳсулот ва исон тараққиёти индекси. ЯИМ ва исон тараққиёти индексининг устунлик ва камчиликлари. Турмуш даражаси ўртасидаги фарқлар, давлатлар ҳамда давлат ичиди даромадлар тақсимоти. Абсолют ва nisбий қашоқлик фарқи. Қашоқлик сабаблари, жумладан, ишсизлик, минимал иш ҳақи даражаси. Иқтисодий ўсиш, таълим сифатини яхшилаш, давлат таъминоти, прогрессив солиқ

ҳолда иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилишмалакасига эга бўлиши керак.

4. VI. Таълим технологиялари ва методлари:

- маърузалар;
- реал вазиятга асосланган амалий ишларни бажариш;
- эссе, тезис ва мақолалар ёзиш;
- вазиятчи топирикларни (кейс-стади) ечиш;
- жараёنли-йўналтирилган таълим;
- муҳокамаларда иштирок этиш;
- кичик гуруҳларда ишлаш;
- лойиҳа иши бажариш;
- мустақил ишларни бажариш;
- тақдирот тайёрлаш;
- турли даражадаги тестларни ечиш;
- сўров ўтказиш.

5. VII. Кредитларни олиш учун талаблар:

Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, тахлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топирикларни бажариш, яқиний назорат бўйича тест ёки эзма ишчи топириш.

6. Асосий адабиётлар

1. N. Gregory Mankiw. Essentials of Economics. 8th Edition. Cengage Learning. 8. edition (January 1, 2017). ISBN-13: 978-1337091992
2. Economics (Irwin Economics). Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue, Sean M. Flynn. — 21th edition. 2018.
3. Хажиев Б.Д., Мамбетжанов К.К. Экономическая теория. Учебник – Т.: «IQTISODIYOT», 2019. - 552. стр.
4. Ходиев В.У., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – T.: Barkamol fayz-media, 2017. – 783 bet.

Кўшимча адабиётлар

5. R. Glenn Hubbard, A. Patrick O’Brian. Essentials of Economics. 6th edition. Pearson. New York. 2019.
6. John Sloman, Dean Garrat. Economics. Pearson. 10th edition. UK. 2018.
7. Anderson, David A. (2019) Survey of Economics. New York: Worth. ISBN 978-1-4292-5956-9
8. Roger A. Arnold Economics 13th Edition, Kindle Edition. (2018). ISBN-13: 978-1337617383
9. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Экономикс: принципы, проблемы и политика: Учебник: Пер. с англ. 21-е изд. М.: ИНФРА-М, 2019. - 1152. с.
10. Экономическая теория: учебник / С.С. Носова. — 4-е изд., стр. — Москва. КНОРУС, 2017. - 792. с.

<p>IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтисодийётга кириш. 2. Иқтисодий тизим турлари. 3. Талаб, тақлиф, бозор мувозанати. 4. Эластиклик. 5. Истеъмолчилар танлови назарияси. 6. Ишлаб чиқариш ва харажатлар. 7. Мукаммал бозор ва монополия. 8. Монополистик рақобат ва олигополия. 9. Бозордаги муваффақиятсизликлар ва самардорлик. 10. Давлатнинг иқтисодий роли. 11. Иш ҳақини аниқлаш. 12. Даромадларнинг тақсимланиши, тенгсизлик ва қашшоқлик. 13. Макроиктисодийётга кириш. 14. Макроиктисодий кўрсаткичлар. 15. Қисқа муддатли иқтисодий ўсиш. 16. Узоқ муддатли иқтисодий ўсиш моделлари. 17. Банк тизими. 18. Пул, инфляция. 19. Пул-кредит сиёсати. 20. Жамғарма, инвестиция. 21. Молиявий тизим. 22. Давлат бюджети ва фискал сиёсати. 23. Ишсизлик. 24. Бизнес цикллари. 25. Халқаро савдо. 26. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта курси. <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан лойиҳа иши, эссе, тезис ёки илмий мақола ёзиш, рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 3. V Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландирилган компетенциялар) Фанни ўзлаштириш натижасида талаба: <ul style="list-style-type: none"> • ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари, босқичлари, ўзгариш сабаблари ва оқибатлари; ҳозирги замон бозор иқтисодийётининг хусусиятлари, иқтисодий қонуनлар ва категориялар тўғрисида <i>масавур ва билимга эга бўлиши</i>; • иқтисодийёт асосларини; миллий иқтисодийётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини; макроиктисодий даражадаги вазиятларни; иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш <i>қўникмаларига эга бўлиши</i>; • иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини билган ҳолда самарали қўллаш; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчаларнинг (категорияларнинг) амал қилиш хусусиятларини, механизмларини билган
--	---

<p>ставкаси ва энг кам ойлик иш ҳақининг амал қилиш сиёсатлари.</p> <p>13-мавзу. Макроиктисодийётга кириш. Миллий иқтисодийётнинг мазмунини ва унинг тузилиши. Макроиктисодийёт ва микроиктисодийёт. Макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларнинг амал қилиши. Макроиктисодий атамалар ва тушунчалар.</p> <p>14-мавзу. Макроиктисодий кўрсаткичлар. Макроиктисодийёт. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар. Микроиктисодийёт ва макроиктисодийёт ўртасидаги фарқ, иқтисодий субъектлар. ЯИМ тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари.</p> <p>15-мавзу. Қисқа муддатли иқтисодий ўсиш. Реал ялпи ички маҳсулот ва ундан иқтисодий ўсишни ўлчашда фойдаланиш. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ. Жами талаб ўзгариши – бу ресурслар ва ЯИМ истеъмоли. Ишлаб чиқариш қуввати, инвестиция сони ва сифати, технология ва ишлаб чиқариш омиллари иқтисодий ўсишга таъсири. Турли давлатларда иқтисодий ўсишнинг турличалиги.</p> <p>16-мавзу. Узоқ муддатли иқтисодий ўсиш моделлари. Иқтисодий ўсиш назариялари, концепция ва моделлари. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокейнсча моделлари. Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси. Солоу ўсиш модели Р.Харрод ва Е.Домар моделлари В.Леонтъевнинг “харажатлар-натижалар” модели. “Ноль даражадаги иқтисодий ўсиш” концепцияси.</p> <p>17-мавзу. Банк тизими. Банк тизими. Марказий банк ва унинг вазифалари. Банкларнинг иқтисодий мазмунини. Тижорат банклари ва уларнинг вазифалари. Тижорат банкларининг рентабеллиги ва ликвидлиги. Банк операциялари ва банк фойдасининг ҳосил бўлиши. Банк тизимининг тақомиллаштирилиши. IS-LM моделида бюджет-солик ва пул кредит сиёсати.</p> <p>18-мавзу. Пул, инфляция. Пулнинг келиб чиқиши ва мазмунини. Пулнинг кўриниши, функциялари ва ўзинга ҳос хусусиятлари. Иқтисодий субъектларнинг ривожланишида марказий ва савдо банкларнинг ўрни ва аҳамияти. Пул концепциялари. Пул тўғрисидаги назариялар. Пулнинг асосий вазифалари. Нархлар ўлчови (масштаби). Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги. Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари.</p> <p>19-мавзу. Пул-кредит сиёсати. Фонз ставкалари, пул массаси ва валюта курсининг қозғалониши. Давлатнинг макроиктисодий кўрсаткичларига пул-кредит сиёсатининг таъсири. Пул муомаласи. Пул тизимининг тарқибий қисмлари. Пул муомаласи қонуналари. Пулнинг айланмиш тезлиги. Пул агрегатлари. Пул бозорида талаб ва тақлиф. Пул тақлифи ва унинг мультипликатори.</p> <p>20-мавзу. Жамғарма, инвестиция. Харажатларга таъсир этувчи омиллар. Тежамкорлик. Қарздорлик. Истеъмол нархлари индексида фойдаланиб инфляция ва дефляция</p>
--

даражасини аниқлаш. Инфляция сабаблари: талаб ва таклиф. Инфляция ва дефляциянинг тадбиркорлар, ишчилар, фондлар, кредиторлар, фирма ва умуман иқтисодиёт учун таъсирини аниқлаш. Сиёсат соҳасида ҳам инфляция ва дефляцияни бошқариш учун ўзгаришлар амалга оширилиши мумкин.

21-мавзу. Молиявий тизим.

Молия бозори. Давлатнинг молиявий тизими. Халқаро молиявий тизим. Давлат харажатларининг асосий йўналишлари, ушбу соҳадаги харажатлар сабаби ва оқибатлари. Солиқлар давлат бюджетининг асосий манбаси. Солиқ турлари. Прогрессив, регрессив, пропорционал, бевосита ва билвосита. Солиқнинг ўзига хос томонлари. Истеъмолчиларга, тадбиркорларга, давлат ва иқтисодиётга солиқлар ва харажатларнинг таъсири. Бюджет профицити ва дефицитини ҳисоблаш. Фискал сиёсат қандай қилиб макроиктисодий кўрсаткичларга эришишда ёрдамлашади.

22-мавзу. Давлат бюджети ва фискал сиёсати.

Бюджетнинг таърифи. Давлат харажатлари таркиби. Солиққа тортиш сабаблари. Солиққа тортиш тамойиллари ва таъсири. Солиқ-бюджет сиёсатининг таърифлари ва чоралари. Солиқ-бюджет сиёсатининг давлатнинг макроиктисодий мақсадларига таъсири.

23-мавзу. Ишсизлик.

Бандлик, ишсизлик ва тўлиқ бандлик тушунчаси. Бандликнинг ўзгариш шакли ва даражаси. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари. Ишсизлик оқибатлари. Ишсизликни камайтириш сиёсати. Ишсизлик даражаси – иш берувчилар, ишчи кучи ва ишсизлик даражасини ҳисоблаш. Ишсизликнинг табиий даражаси. Ишсизликнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари. А.Оукен қонун. Ишсизлик ва инфляциянинг ўзаро боғлиқлиги.

24-мавзу. Бизнес цикллари.

Цикл тебранишларнинг оқибатлари. Иқтисодиётнинг цикли ривожланиши. Иқтисодий цикл фазалари. Циклик тебранишлар. Иқтисодий цикл назариялари. Экстернал ва интернал назариялар. Соф монетар назария. Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси. Жамғариш назарияси. Психологик назария. Иқтисодий цикл турлари.

25-мавзу. Халқаро савдо.

Халқаро иқтисодий муносабатлар. Капиталнинг халқаро ҳаракати. Ишчи кучининг халқаро миграцияси. Фан-техника ютуқларининг халқаро айирбошланиши. Миллий даражада кенг иқтисосилик йўналишлари: ресурсар тақсимооти ёки ишлаб чиқаришнинг арзон усуллари. Истеъмолчилар, фирмалар ва иқтисодиёт. Жаҳон ҳўжалигининг ташкил толиши, босқичлари ва асосий белгилари. Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Халқаро меҳнат тақсимооти.

26-мавзу. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта курси.

Халқаро валюта муносабатлари. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари. Валюта курсига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Валюта бозорда валютага нисбатан талаб ва таклифни ўрганиш. Уларга экспорт ва импортга, фонд ставкаларига, спекуляция, ЭИЗларга кириш ва чиқиш шартлари киради. Экспорт ва импорт харажатларининг экспорт ва импорт нархларига таъсири. Сузувчи алмашув курси ва тўғрибағ солинган алмашув курси фарқи, унинг устуңлик ва камчиликлари. Тулов баланси ва унинг таркиби. Ташқи савдо баланси. Капитал ҳаракати баланси. Расмий захираларнинг асосий кўринишлари. Расмий захиралар бўйича операциялар.

III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Иқтисодиётга кириш.
2. Иқтисодий тизим турлари.
3. Талаб, таклиф, бозор мувозанати.
4. Эластиклик.
5. Истеъмолчилар танлови назарияси.
6. Ишлаб чиқариш ва харажатлар.
7. Мукамал бозор ва монополия.
8. Монополиястик рақобат ва олигополия.
9. Бозордаги муваффақиятсизликлар ва самарадорлик.
10. Давлатнинг иқтисодий роли.
11. Иш ҳақини аниқлаш.
12. Даромадларнинг тақсимланиши, тенгсизлик ва қашшоқлик.
13. Макроиктисодийётга кириш.
14. Макроиктисодий кўрсаткичлар.
15. Қисқа муддатли иқтисодий ўсиш.
16. Узок муддатли иқтисодий ўсиш моделлари.
17. Банк тизими.
18. Пул, инфляция.
19. Пул-кредит сиёсати.
20. Жамғарма, инвестиция.
21. Молиявий тизим.
22. Давлат бюджети ва фискал сиёсати.
23. Ишсизлик.
24. Бизнес цикллари.
25. Халқаро савдо.
26. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта курси.

Амалий машғулотлар мультимедиа курулмалари билан жихозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.